

ЛЕНИН ҲАМИША БАРҲАЁТ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

УЛУҒ ЛЕНИН БАЙРОҒИ ОСТИДА

МОСКВА

Совет халқи, қардош социалистик мамлакатларнинг ҳамма ғалабалари, халқроқ ишчилар синфининг мустақамлаётган бирлиги, дунёдаги ушбу ўзгаришлар билан номин ва таълимоти боғланган инсон — Владимир Ильич Ленин туғилган кун — 22 апрель революцион календаримизга буюк сана бўлиб киради.

21 апрель куни Москвада бўлиб ўтган тантанали мажлис партиянинг ва совет давлатининг асосчиси, марксизмнинг генерал назарийчиси, халқроқ ишчилар синфининг йўлбошчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг устуни ва дўсти В. И. Ленин туғилган кунининг 102 йиллигига бағишланди.

Гулдурок овозлари билан кутиб олинган Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кирленко, А. Н. Косин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, Д. С. Полицкий, М. А. Суевлов, Ю. В. Андронов, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев, Д. Ф. Устинов, И. В. Кавитов, К. Ф. Катусев ўртоқлар президиумдан ўрин оладилар.

Тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг

биринчи секретари В. В. Гришин очди. КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Д. Кулаков, «Ленинизм — коммунистик қурилишнинг буюк бунёдкор кучи» мавзусида доклад қилди.

ТОШКЕНТ

Меҳнаткашлар йўлбошчиси туғилган кунга бағишлаб 21 апрелда Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди. А. Навоий номли театр залига ишлаб чиқариш илгөрлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, Совет Армиясининг жангчилари, Ленин партиясининг ветеранлари келишди.

Президиум столи ёнида КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюроси аъзоси, кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари С. Е. Велонжов, А. Д. Бестачев, И. Р. Курбанов, В. Г. Ломанов, М. М. Мухомов, Т. Н. Осетров, О. У. Саломов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоси, кандидат С. Р. Расуллов ўтиришди.

КПСС ленинчи Марказий Комитетининг Сийёси Бюросидан иборат фахрий президиум баланд руҳ билан сайланди.

В. И. Ленин туғилган кунининг 102 йиллиги тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Курбанов доклад қилди.

Докладчи В. И. Ленин революцион фаолиятининг жаҳоншумул — тарихий аҳамиятини, унинг мамлакатимиз ва бутун дунё меҳнаткашлари олдидagi хизматларини батафсил таърифлаб, совет халқи доҳий васиятларини амалга ошираётганлигини, Ильич тузиб, волаёткаш партия раҳбарлигида коммунистик қурилишда катта муваффақиятларга эришганлигини таъкидлади.

Ленинча миллий сийёсат — халқлар тенглиги ва дўстлиги сийёсати амалда юзга чиқарилганлиги коммунистик эллик катта ғалабалардан бири бўлди. Ўзбекистон коммунистик мамлакатларнинг аҳил оиласида, барча совет халқларининг ва айниқса буюк рус халқининг беғараз ёрдами ҳамда маданий туғайли экономика ва маданий ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Республика меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларига амал қилиб, ўз сафарларини коммунистик партия теварагига, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳ-


кам жиплаштириб, бутун совет халқи билан биргаликда тўғрисида беш йиллик тошхалқларнинг муддатидан аввал байраш учун бошланган мусобақани кенгайтиришлар, кўп миллатли совет давлатининг шонли юбилейини муносиб кутиб олмақдалар.

Ленин номи яшаб келмоқда ва КПСС раҳбарлигида совет халқи қилаётган ҳамма шонли ишларда асрлар бўйи яшаб келади, бу ном инсониятнинг коммунизм сари зафарлари ҳаракатининг доимо рамзи бўлиб қолади, — деди докладчи мажлис аҳлининг давоми қарсақлари остида.

Залда яна қарсақлар эшитилди. Электр техника заводи-нинг коллективи В. И. Ленин номи Марказий музейнинг Тошкент филиалига таъйинланган совет тантанали вазиятда тортиқ қилди. Бу совет Ильичнинг Туркистонда суғурни ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги декрети қандай амалга оширилганлиги металда тасвирланган ва Ленин шанбагини кунни яқод қилган композициялар.

А. Навоий номли театр артистлари тантанали йиғилиш катнашчиларига шарқ хотин-қизларининг овоз этилишини тасвирловчи «Тановар» балет спектаклини кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).



В. И. Ленин 1922 йил 20 ноябрда Большой театрдa нутқ сўзламоқда.

РСФСР халқ рассоми П. В. Васильев чизган сурат.

ЛЕНИНИЗМ — КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ БУЮК БУНЁДКОР КУЧИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 102 йиллигига бағишланиб Москвада ўтказилган тантанали мажлисда ўртоқ Ф. Д. КУЛАКОВ доклади

Ўртоқлар! Владимир Ильич Лениннинг номи, ҳаёти, иши ва таълимоти революцион давримиздан ажралмасдир. Совет халқи Ленин байроғи остида коммунизм қурмоқда, социалистик ҳаётдустлиги мамлакатларидан буюк ўзгаришлар шу байроқ остида амалга оширилмоқда. Халқроқ коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг кўламини Ленин байроғи остида ўсмонда, империализмга қарши озодлик кураши кенгайиб бормоқда. Ленинизм инсониятнинг зуми ва энсуплатациядан халос бўлиш йўлини, тинчлик ва социал тараққиёт учун коммунистик идеяларнинг ғалабаси учун кураш йўлини ёритиб турибди.

Мамлакатимиз коммунистлари, барча меҳнаткашлари В. И. Ленин туғилган кунининг 102 йиллигини тантанали равишда нишонламоқдалар. Бу кунини ер юзининг ҳамма жойларидан миллион-миллион меҳнат аҳли нишонламоқда. Ленин кўнлари марксизм-ленинизм янги зафарларга еришган, илмий социализмнинг илҳомини ривожлантиришнинг боришда тасдиқи тобора асётган вазиятда ўтказилмоқда.

КПСС XXIV съезди Ленин таълимоти тантанасининг ёрқин намоиши бўлди, партиясининг ленинизмга садоқатининг ифодаси бўлди. Съезд қарорлари совет ки-

шилари бунёдкорлик фаолиятининг жағворат программаси бўлиб қолди. Съезд ҳужжатларида КПССнинг жуда бой тажрибаси, партиянинг коллектив заковати, марксизм-ленинизм таълимоти тарихий ривожланишнинг янги шароитларида иқодий қўлланилиши маҳорати мужассамлашди. Съезд қарорлари партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги, социалистик Ватанимизни янада раванқ топтириш ҳақидаги ленинча ғамхўрлиги руҳи билан суғурилган.

КПСС XXIV съезидан кейин орада бир йилдан сал кўпроқ ўтди. Бутун биз шунини айтилаётганимиз, шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари, партия, совет ва халқлик органлари, касба союзи, жомасот ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари катта ва самарали иш қилишди.

Бу давр тўғрисида беш йиллигининг коммунистик ишлаб чиқариш юксак суръатлар билан ривожлантириш, унинг самардорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини кўпайтириш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини анча оширишдан иборат бот вазифасини бақариш йўлида сабот билан кучгайратилган йил бўлди.

Бугун — Совет Иттифоқи ленинча ташқи сийёсати янги му-

ваффақиятларга эришган, тинчлик ва халқроқ ҳамкорлик учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун курашнинг КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан программаси зўр ғайрат билан амалга оширилган йил бўлди.

Ҳозир мамлакатимиз ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, меҳнаткаш интеллигенти Совет Социалистик Республикалари Иттифо-

1. КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ— БУТУН ХАЛҚНИНГ ИШИ

Ўртоқлар! Социализм миллионларнинг онгли меҳнати билангина қурилиш мумкинлигини, янги жаҳият халқ манфаатларини қўлаб ва халқнинг кўли билан бунёд этилишини В. И. Ленин неча марта таъкидлаган эди. Тарих тажрибаси бунини тўла-тўқис исботлади.

Ленин партияси раҳбарлигида кўп миллионли меҳнаткашлар оmmasининг қаҳрамонона кучгайратилган билан СССРда ривожланган коммунистик жаҳият қурилди. Юксак даражада ривожланган коммунистик экономика — кудратли индустрия ва механизациялашган йирик қишлоқ хўжа-

лининг 50 йиллигини кутиб олишга завоқ-шавоқ билан тайёргарлик қурмоқдалар. Бу шонли юбилей тўғрисида КПСС XXIV съезди қарорлари ва қарорларининг кудратли таъсири остида ўтмоқда. СССР халқлари ўзларининг буюк байрағига коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига маҳкам жиплашган ҳолда бормоқдалар.

СССРнинг барпо этилганлиги ўзининг сийёси аҳамияти ва социал-иқтисодий оқибатлари жиҳатидан давлатимиз тарихида катта ўрин олади. В. И. Ленин миллатлар федерациясини «Ўз илҳомлари билан миллий илоҳдан юқори кўтарилган меҳнаткашларнинг онгли ва янада мустақамроқ бирлигига ўтиш» (асарлар, тўртинчи нашри, 27-том, 148-бет) деб билган эди. Мамлакатимиз халқлари ана шу ўтишни муваффақиятли равишда амалга оширдилар. Ленин бағворат қилганлиги билан, Совет Иттифоқи ташкил этилган билан меҳнаткашларнинг кучлари бенис кўпайди. Ленин бағворат қилганидек, интернационал қардошлик янги жаҳият бунёдкорлиги иқодий куч-ғайратининг битмас-туганмас манбаи бўлиб қолди.

(Давоми 2-бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА 1972 ЙИЛГИ ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Иттифоқи Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасидаги Ленин мукофотлари ва СССР Давлат мукофотлари комитети тасвирини қараб чиқиб, 1972 йилги Ленин мукофотларини қуйидагиларга беришга қарор қилди:

1. Физика-математика фанлари доктори, СССР Фанлар академияси А. Ф. Иоффе номи физика-техника институтининг ходимлари, физика-математика фанлари доктори, сектор муdiri Вадим Васильевич Апросимов, физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим Владимир Маркович Дукельский, физика-математика фанлари доктори, лаборатория муdiri Николай Васильевич Федоренко, И. В. Курчатов номи атом энергияси институтининг катта илмий ходимлари — физика-математика фанлари доктори Олег Борисович Фирсов, физика-математика фанлари кандидати В. В. Волод Александрович Беляев — 1951—1970 йилларда эълон қилинган «Атом туғнашуларидagi элементлар процесслари ва изотопларнинг янги ходими Васильев Иванович Швейкман — ярам ўтказгич

материаллардаги гетер ўтиш фундаменталь тадқиқотлари ва шу асосда янги асбоблар яратганликлари учун.

2. СССР Фанлар Академиясининг А. Ф. Иоффе номи физика-техника институтининг ходимлари, физика-математика фанлари доктори, лаборатория муdiri Николай Васильевич Федоренко, И. В. Курчатов номи атом энергияси институтининг катта илмий ходимлари — физика-математика фанлари доктори Олег Борисович Фирсов, физика-математика фанлари кандидати В. В. Волод Александрович Беляев — 1951—1970 йилларда эълон қилинган «Атом туғнашуларидagi элементлар процесслари ва изотопларнинг янги ходими Васильев Иванович Швейкман — ярам ўтказгич

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ЧИГИТ ЭКИШНИ ТАМОМЛАДИ

Янги беш йилликнинг иккинчи йилда мўл ҳосил етиштириш учун астойдил курашган областимизнинг пахтакорлари дастлабки ғалабави кўлга киритдилар. Оби-хаво қийинчиликлари мардонавор етган деҳқонларимиз чигит экишни қисқа муддатларда ўтказдилар. Колхоз ва совхозларнинг пахтакорлари экиш кампаниясига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик қўрганликлари сабабли экиш ҳамма ерда ушшоқлик билан ўтказилди.

Апрель ойининг бошларида ҳавонинг исини билан 2200 экин агрегатлари ишга тушди. Экинча аъзолари дастлабки қудамон суръатини кўчатирилди. Октябрда қисқа вақт ичида 140 минг 163 гектар ерга баракка уруғи қаллади. Шундан 63 минг гектар майдонга кенг қаторлаб чигит экилди. Экин майдонларининг асосий қисми ўғитланди, гербицидлар солинди. Қўпгина майдонларга вилга чидилди, юқори ҳосилли «Тошкент» навлни чигит уруғлари экилди.

Юқори Чирчиқ ва Оққўртон районлари областда биринчи

бўлиб чигит экишни тамомлади. Юқори Чирчиқ районидagi «Юлғотол», «Ўзбекистон», «Ленинский путь», Свердлов номи, Оққўртон районидagi «Заря коммунизма», «Ленинбод», Энгельс номи колхозлар ва «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг коллективлари экинча намуна кўрсатдилар.

Линийўл, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Пискент, ва Бекобод районларидagi меҳнаткорлар ҳам чигит экинча аҳли натижаларга эришдилар.

Айрим майдонларда чигит ушиб чиқаболмади. Области-нинг колхоз ва совхозлари ҳар бир гектар ерда — тўла гектарлар ҳосил қилиш учун қизил кураш олиб бормоқдалар. Юқори Чирчиқ, Оққўртон, Ўрта Чирчиқ районларидagi айрим хўжаликлари биринчи парваршини бошлаб юбордилар. Ҳамма ерда тракторларга культиваторлар осполанди. Меҳнаткорлар қатор оралида сифатли ишлов берилган пахта тайёргарлик қуришмоқда.

САМИМИЙ УЧРАШУВЛАР

Россия Федерацияси, Украина ва Белоруссия тўқимачиларидан катта бир гуруҳасига, шу жумладан, илановилар тўқувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси З. П. Пухова, РСФСР Олий Советининг депутаты, Гуахово ин газлама комбинатининг йиғирувчиси М. Ф. Федорова, Тусь-Хрустальний тўқимачилик комбинатининг бош инженери Ф. И. Лушин, «Шуйский пролетарий» фабрикасининг мастери М. И. Богомолова, Калинин ин газлама комбинати йиғирув ишлаб чиқариш комсомол комитетининг секретари Е. М. Емифанова, Херсон ин газлама комбина-

тининг йиғирувчиси В. Н. Гончарова, Баранович ин газлама комбинати йиғирув чегининг бошлиғи А. П. Буевич ва бошқалар бир неча кун мобайида Ўзбекистонда меҳмон бўлиб туришди.

21 апрелда меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюроси аъзоси, кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қабул қилди. Ш. Р. Рашидов дўстона суҳбат чоғида экономика ва маданиятни ривожлантиришда Ўзбекистон меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар тўғрисида таъриф берди, СССР ташкил этилган-

лининг 50 йиллигини муносабат қилиб кутиб олиш учун ўтказилган мусобақада ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришда қардош республикалардан келган тўқимачиларга янги муваффақиятлар тилади.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчилари ва хизматчилари меҳмонларни қизғин ва самимий кутиб олдилар. Ишлаб чиқариш илгөрлари ва новаторлари ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар, ўхшаш корхоналарда жорий этилган янгиликлар тўғрисида таъриф бердилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУҲБАТ

Ўзбекистонда ўтказилган совет адабиёти кўнларида қатнашкан учун Тошкентта келган қардош республикаларнинг таъкид адабиётчилари 21 апрелда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидa қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети Сийёси Бюроси аъзоси, кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов меҳмонларини самимий таърифлади.

Езувчилар ўзбеклар дўрида очик кўнли билан кутиб олинганликлари учун қизғин миннатдорчилик изҳор этидилар. СССР ташкил этилганли-

гининг 50 йиллигига бағишлаб Ўзбекистонда ўтказилган совет адабиёти кўнлари совет халқлари бузимас ленинча дўстлигининг ёрқин байрағига айланган, иқодкор эълонлар Лениннинг буюк васиятларига кечис содиқлигини яна бир бор намоиш қилиб кўрсатади.

Учрашувда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломанов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Курбанов, О. У. Саломов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров иштирок этидилар. СССР ташкил этилганли-

